

ШАРТНОМА № 20.

Риштон шаҳри.

“ 09 ” июн 2022 йил

Бизлар ким имзо чекиб шартнома тузувчилар келгусида «Сотувчи» деб аталувчи **“STAR ENERGY SERVICE” МЧЖ номидан раҳбар О.Охунов** бир томондан ва келгусида «Сотиб олувчи» деб аталувчи **«Риштон туман Ободонлаштириш бошқармаси»** ўз Низоми асосида фаолият юритувчи раҳбар **С.Хайдаров** ушбу шартномани имзолаш билан куйидагилар келишилди.

ШАРТНОМА ПРЕДМЕТИ.

1.1 “Сотувчи” ушбу шартномага асосан “Сотиб олувчига” ўзаро келишилган миқдорда ва муддатларда шартноманинг умумий қийматидан ошмаган суммадаги темир бетон таянчлар ва электр жиҳозларини етказиб беради, “Сотиб олувчи” етказиб берилган темир бетон таянчлар ва электр жиҳозларини қабул қилиб олиб, тўлов ҳужжатларини амалдаги қонунчилик талабларига мувофиқ расмийлаштириб, харажатлар сметасида кўзда тутилган очик бюджет маблағлари доирасида белгиланган тартибда амалга оширади.

Товарлар куйидаги спецификацияга асосан берилади:

№	Товар номи	Улчов бирлиги	Миқдори	Нархи	Қиймати
1.	Темир бетон таянч СВ-110-3,5	Дона	25	1299501	32487525
2.	Темир бетон таянч СВ-95-2,0	Дона	42	1046500	43953000
3.	Траверс М3	Дона	16	137252,50	2196040
4.	Траверс М1	Дона	15	214417	3216263
5.	Траверс ОГ-2	Дона	10	297528	2975280
6.	Траверс повышен.ТМ2	Дона	5	756976	3784880
7.	Изолятор ШФ-10	Дона	162	27324	4426488
8.	Провода АС 35	Метр	900	6900	6210000
9.	Кабел СИП2 3х3,5	Метр	1500	35774,20	53661300
10.	РА-1500	Дона	60	68310	4098600
11.	СА-2000	Дона	45	49680	2235600
12.	ЕС-1500	Комп.	23	37950	872850
13.	П-1-1А	Дона	20	40250	805000
14.	Лента	Метр	120	9200	1104000
15.	Скрепа	Дона	60	11500	690000
16.	Зажим ответил.ОР-6	Дона	120	37260	4471200
17.	ОР-645	Дона	40	18975	759000
18.	ДН 123	Дона	120	43471	5216400
19.	Транспорт хизмати	Усл.	6	2968877	17813262
				ЖАМИ:	190 976800

II. ШАРТНОМА БАҲОСИ, ТЕМИР БЕТОН ТАЯНЧЛАР, ЭЛЕКТР ЖИҲОЗЛАРИ ЕТКАЗИБ БЕРИШ ВА ҲИСОБ-КИТОБ ТАРТИБИ

2.1 Мазкур шартноманинг умумий қиймати бир юз тўқсон миллион тўққиз юз етмиш олти минг саккиз юз сўмни ташкил этади.

2.2 “Сотиб олувчи”га темир бетон таянчлар ва электр жиҳозларини “Сотувчи”нинг транспортида камида 3 (уч) кун муддат ичида етказиб берилади.

2.3 “Сотиб олувчи” «Сотувчи» тақдим этган ҳужжатларга асосан узил-кесил ҳисоб-китобни ўзаро келишилган муддатларда “Сотувчи” ҳисоб-рақамига пул ўтказиш йўли билан амалга оширади.

2.4. Темир бетон таянчлар ва электр жиҳозлари етказиб бериш даврида темир бетон таянчлар ва электр жиҳозларининг нархлари ўзгарган тақдирда “Сотувчи” ёки “Сотиб олувчи” ташаббуси билан мазкур шартномага қўшимча келишув шартномаси тузилиши мумкин.

2.5. “Сотиб олувчи” “Сотувчи”га олинадиган товарнинг 30 (ўттиз) фоиз ҳақини олдиндан ўтказиб беради, товарнинг қолган суммасини 30 банк иш куни мобайнида кечиктирмай тўлиқ тўловини таъминлайди.

III. ШАРТНОМАНИ БАЖАРИЛИШИ.

3.1. Шартнома мазкур шартнома ва қонун ҳужжатлари шартлари ва талабларига мувофиқ зарур тарзда бажарилиши керак.

Агар томонлар ўз зиммаларига қабул қилинган барча мажбуриятлар бажарилишини таъминласа, шартнома бажарилган деб ҳисобланади.

3.2. “Сотиб олувчи” муддатлар бузилган ҳолда етказиб берилган темир бетон таянчлар ва электр жиҳозларини қабул қилишни рад этишга ҳақлидир.

3.3. “Сотиб олувчи” “Сотувчи” томонидан темир бетон таянчлар ва электр жиҳозларини ўз вақтида етказиб берилмаган ёки сифатсизини етказиб берилган ҳолатларда шартномани “Сотувчи” ни ёзма хабардор қилган ҳолда бир томонлама бекор қилиши мумкин. Қолган ҳолатларда шартнома шартларига тегишли ўзгартиришлар томонларнинг ўзаро қўшимча келишувларига мувофиқ киритилади.

IV. ТОМОНЛАРНИНГ МАЖБУРИЯТЛАРИ

“Сотувчи”нинг мажбуриятлари:

4.1 Темир бетон таянч ва электр жиҳозларини қабул қилиб олиш вақтида аниқланган камчиликларни “Сотиб олувчи” талабига мувофиқ 3 кунлик муддатда бартараф этади.

4.2 “Сотиб олувчи” томонидан сотиб олинган темир бетон таянчлар ва электр жиҳозларига 3 ой муддат утгандан сунг нарх-наво ва сифатига булган даъво «Сотувчи» томонидан қабул қилинмайди.

“Сотиб олувчи”нинг мажбуриятлари:

4.3 Етказиб берилган темир бетон таянчлар ва электр жиҳозларини мазкур шартномага мувофиқ қабул қилиш;

4.4. Темир бетон таянчлар ва электр жиҳозларини мазкур шартномада кўрсатилган нарх бўйича белгиланган муддатларда узил-кесил ҳисоб-китобни амалга ошириш.

4.5. Шартномани амал қилиш даврида “Сотувчи” томонидан давлат манфаатларига зарар етказиш ҳолатлари аниқланган тақдирда шартномани бир томонлама бекор қилишга ҳақлидир.

V. ШАРТНОМА МАЖБУРИЯТЛАРИНИ БУЗГАНЛИК УЧУН ЖАВОБГАРЛИК.

5.1. Агар «Сотувчи» томонидан «Сотиб олувчи»га сифатсиз, ёки саклаш муддатлари утиб кетган темир бетон таянчлар ва электр жиҳозларини етказиб берилган ҳолда «Сотиб олувчи» «Сотувчи»дан бундай темир бетон таянчлар ва электр жиҳозларни умумий қийматидан 20%, жарима қўллаб, қонунчиликда белгиланган тартибда ундириб олинади.

5.2. Агар «Сотувчи» томонидан «Сотиб олувчи»га белгиланган темир бетон таянчлар ва электр жиҳозлар белгиланган муддатларда етказиб берилмаса, «Сотувчи» муддати утган ҳар бир кун учун кечиктирилган маҳсулот қийматининг 0,5% микдорида лекин кечиктирилган темир бетон таянчлар ва электр жиҳозлар қийматининг 50% дан ошмаган ҳолда «Сотиб олувчи»га пеня тўлайди.

5.3. Агар «Сотиб олувчи» «Сотувчи»дан олинган темир бетон таянчлар ва электр жиҳозлари пулини белгиланган муддатда тўлаб бермаса, муддати ўтган ҳар бир кун учун

кечиктирилган сумманинг 0,4% микдорда, лекин кечиктирилган туловнинг 50% ошмаган микдорда пеня тулайди.

5.4. Жарималар туланиши «Сотувчи»ни шартномада белгиланган мажбуриятларини бажаришдан озод этмайди.

VI. НИЗОЛАРНИ ХАЛ ЭТИШ ТАРТИБИ.

6.1. Келишмовчиликлар ва низоли масалалар келиб чиққан тақдирда, томонлар, қоидага кўра, мустақил равишда уларни судгача ҳал этиш чораларини кўрадилар.

6.2. Томонлар келишмовчиликлар ва низоларни ҳал этиш учун бевосита судга мурожаат қилишга ҳақлидир.

VII. ФОРС-МАЖОР

7.1. Форс-мажор ҳолатлар, жумладан ер қимирлаши, сел келиши каби табиий офатлар, шунингдек Ўзбекистон Республикаси Ҳукумати томонидан янги қонун ва қарорларни қабул қилиниши натижасида келиб чиқадиган ҳолатларда тарафлар мазкур шартнома ва кўшимча келишувлар шартларини бажариш масъулиятини ўз зиммаларига олмайдилар.

VIII. ШАРТНОМАНИНГ АМАЛ ҚИЛИШИ.

8.1. Мазкур шартнома “Сотиб олувчи”, “Сотувчи” томонидан тасдиқлангандан сўнг кучга киради ва 2022 йил “_____” июндан 2022 йил «31» декабргача амал қилади.

8.2. Томонлар ўртасидаги муносабатлар улар томонидан мазкур шартноманинг барча шартлари бажарилган ва ҳисоб-китоб тўлиқ тугалланган тақдирда тўхтатилади.

8.3. Шартнома икки томонлама имзоланиб, ғазначилик бўлимидан руйхатдан утказилгандан сўнг қонуний кучга киради.

IX. КОРРУПЦИЯГА ҚАРШИ ҚУРАШИШ БЎЙИЧА ТОМОНЛАРНИНГ МАЖБУРИЯТЛАРИ.

9.1. Шартнома бўйича ўз мажбуриятларини бажаришда томонлар коррупцияга қарши курашиш мажбуриятини оладилар меъёрий ҳужжатларга, шу жумладан амалдаги қонунларга риоя этилишини тامينлайди; бир-бирининг томонлари ёки давлат мансабдор шахсига пора бериш ёки воситачилик қилиш, моддий ёки номоддий манфаатлардан қочишлик томонлар бундай хатти-ҳаракатларнинг олдини олиш учун чоралар кўрилишини кафолатлайди.

9.2 Коррупцияга қарши кураш қоидалари бузилганлиги ёки асосли шубҳа туғилганлиги тўғрисида томонлар дарҳол ёзма равишда хабардор қилишлари шарт. Бир-бирларини шахс (электрон почта орқали) ёки ишонч телефони орқали хабардор қилиш мажбуриятини олади. Бундай ҳолда, томонлар вазиятни аниқлаштириш учун ёзма тушунтиришни талаб қилишга ҳақли. Мулкдор ва мурожаатни қабул қилган томон 10 (ўн) иш куни ичида тушунтириш беришга ёки ўз фикрини билдиришга мажбурдир.

9.3. Ушбу бобнинг талаблари бажарилмаганда, шу жумладан коррупция хавфини белгиланган муддатларда баргараф этилмаган тақдирда тарафлар томонидан кўрилган чоралар коррупция ҳолатининг пасайишига олиб келади. Акс ҳолда, бошқа томон шартномани бекор қилишга ёки унинг бажарилишини тўхтатиб қўйишга ҳақли.

9.4 Сотиб олувчига етказиб берилган темир бетон таянчлар ва электр жихозлари учун барча тегишли ҳужжатларни тақдим этган ҳолда ҳисоб-варақани расмийлаштириш санаси “Сотиб олувчи” томонидан товарларни қабул қилиш куни ҳисобланади.

9.5 Ушбу шартноманинг барча шартлари календар кунидан кейинги кун ёки муддат бошланишини аниқлаган воқеа содир бўлган кундан бошлаб ҳисобланади.

Х. ЯКУНИЙ ҚОИДАЛАР

10.1. Мазкур шартнома икки нусхада тузилади. Шартноманинг иккала нусхалари тенг юридик кучга эгадир.

АЛОХИДА ШАРТЛАР.

XI. Томонларнинг манзили ва банк реквизитлари:

«СОТУВЧИ»

«STAR ENERGY SERVICE» МЧЖ

«СОТИБ ОЛУВЧИ»

**Риштон туман ободонлаштириш
бошқармаси**

Манзил: Фарғона вил. Фарғона тум.
Водил ҚФЙ. Пахтакор к. №11 уй.

Х/В: 20208000500413889001

СТИР: 303128572

ОКОНХ: 61124

Банкнинг номи: Хамкорбанк ОАТБ
Истикбол филиали
МФО: 00965

Манзил: Риштон тумани Б.Рошидоний кучаси
№6 уй

Ш/в*: 401722860302247065200110005

Бюджетдан маблағ олувчи: 205014939

ОКОНХ: 80200

Молия Вазирлиги Ягона Ғазна Ҳисоб варағи
х/р 23402000300100001010

Банкнинг номи: Тошкент ш. Марказий банк
ХККМ


МФО 00014

СТИР: 201122919

Раҳбар :  О.Охунов

М.У.



Раҳбар :  С.Хайдаров

М.У.



**YURIDIK AHAMIYATGA EGA HUJJATLARNING QONUN
HUJJATLARIGA MUVOFIQLIGI TO'G'RISIDA
HUQUQIY XULOSA**

№ LB7766080114

1. Loyihaning turi: ShARTNOMA № 20
2. Loyihaning nomi: **mahsulot yetkazib berish to'g'risida**

Umumiy summasi 190 976 800 (bir yuz to'qson million to'qqiz yuz yetmish olti ming sakkiz yuz) so'mlik bo'lgan temir beton tayanchlari va elektr jihozlarini yetkazib berish bo'yicha "Star energy service" ma'suliyati cheklangan jamiyat rahbari O.Oxunov va Rishton tuman Obodonlashtirish boshqarmasi rahbari S.Haydarovlar o'rtalarida tuzilgan shartnoma.

3. Loyiha ishlab chiquvchisi va kiritilgan sana haqidagi ma'lumot:

Shartnoma loyihasi "Star energy service" ma'suliyati cheklangan jamiyat tomonidan ishlab chiqilgan va markazga huquqiy ekspertizadan o'tkazish uchun Rishton tumani Obodonlashtirish boshqarmasi tomonidan 08.06.2022 yilda kiritilgan.

4. Loyiha bo'yicha taklif:

Loyiha amaldagi qonun hujjatlariga muvofiq ishlab chiqilgan.

Yuqoridagilarni inobatga olib, huquqiy ekspertizadan o'tkazish natijalariga ko'ra,

XULOSA:

Loyiha O'zbekiston Respublikasining "Xo'jalik yurituvchi sub'yektlar faoliyatining shartnomaviy-huquqiy bazasi to'g'risida" gi qonuni, O'zbekiston Respublikasining "Davlat xaridlari to'g'risida" gi qonunining 23-bandi hamda O'zbekiston Respublikasi Budget kodeksining 122-moddasi 8-bandi talablariga muvofiq ishlab chiqilgan hamda uni qabul qilish maqsadga muvofiq.

Markaz bosh yuriskonsulti



B.I.Bo'riyev